

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**485 Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда адвокатларнинг мажбурий иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2757-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 13 январдаги 1, 4, 2-ққ, 1, 2016-02, 01-02/20-1-сон қарори (рўйхат рақами 2757, 2016 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 4-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларда адвокатларнинг мажбурий иштирокини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандидан «, шу жумладан муқобил текширишлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**

**М. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
4-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

**23 (783)-сон**

— 263 —

**485-модда**

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
68-сон

**Р. ИНОЯТОВ**

**Бош прокурор**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
13-ҚҚ-сон

**И. АБДУЛЛАЕВ**

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
22-сон

**А. АЗИЗОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
2017-28-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 июнь,  
01-02/4-23-сон

**М. ТОХИРИЙ**

*Келишилган:*

**Адвокатлар  
палатаси раиси**

*2017 йил 8 июнь*

**Р. АХМЕДОВ**